

Қуръон — қалбга нурдир



18:30 / 26.08.2021 4210

Албатта Қуръон ва муסיқа инсон қалбида бирга жам бўлмайди. Унинг қалби ёки муסיқа билан тўйинган, қонган бўлади, ёки Қуръон билан тўйинган, қонган бўлади.

Дунёдаги энг зўр муסיқачилар жамланишиб, ўзларининг куй-қўшиқлари билан лаззатланишлари мўмин кишининг Аллоҳнинг Китобини тиловат қилиб эришадиган лаззат, саодатнинг даражасига етиша олмайдилар, ҳузурлана олмайдилар.

Яъни, агар ёно ва мусиқадан ўгирадиган бўлсангда, оҳанг ва тараннумнинг неъматидан маҳрум бўлиб қолмайсан, балки Аллоҳнинг Китоби орқали тавсифлаб бўлмас ҳаловат ва лаззат, саодат сенга етади.

Изоҳ: Қуръон сураларининг ўқилишида ҳам ўзига хос оҳанг мавжуд бўлиб, бу ҳам унинг ўзига хос бўлган мўъжизасидир. Унинг сўзлари оҳанги билан инсоннинг руҳиятига кириб боради, қалбини лиммо-лим қилади. Сўз уч овозни ифодалайди:

1. Ҳарф маҳраж ва ҳаракатлари билан тараннум саслари.
2. Руҳнинг маъносини ифодаловчи, руҳан ҳарфлар ила инсоннинг қалбига таъсири.
3. Ақлни ҳайратга солувчи таъсир. Қуръони Каримда ифодаланган маънони англаш ва англатиш жараёнида қалбларга бахш этиладиган нурли илҳомлар инсонни илоҳий ўйларга чўмдиради. Ўлик қалблар уни тинглаш орқали ҳаётга қайтадилар.

Аллоҳ таоло Қуръонни, тафаккур ва тааммулдан чалғитувчи шайтоний мусиқа ва лағвларсиз нозил қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Қуръонни, тафаккур ва тааммулдан чалғитувчи шайтоний мусиқа ва лағвларсиз таълим берганлар!

Саҳобалар, тобеинлар, табъа тобеинлар, мутақаддим ва мутааххир қироат уламолари Қуръонни, тафаккур ва тааммулдан чалғитувчи шайтоний мусиқа ва лағвларсиз етказганлар!

Қуръонни тажвид қоидаларига қатъий амал қилиб ўқиш фарзи айн эканига барча уламолар ижмо қилганлар!

Қуръонни, тажвид аҳкомлари зое бўлишига олиб борадиган турли шайтоний мусиқалар билан бузиб тиловат қилиш ҳаром эканига ҳеч бир уламо хилоф қилмаган!

Қуръонни турли назму насрий сатрлардан ажратмайдиган, фарқига бормайдиган, Уни куйга солишни яхши кўрадиган баъзи ҳофизлар эса ушбу ҳолатни сабаб қилиб ушлаб олиб: «Одамлар Қуръонни оддий ўқисангиз эшитмайди. Оддий ўқилган тиловатдан малолланишади. Шунинг учун Қуръонни мақомот билан ўқиш керак, одамларга шу ёқади, шуни эштади», дейдилар.

Ваҳоланки, Қуръон Аллоҳнинг каломи, оддий махлуқнинг сўзидан олийдир. Уни мусиқа билан аралаштириш қатъий ҳаром. Энди юқоридаги гапга кўра, «одамлар жоҳил, Қуръоннинг ўзини оддий тиловат қилсангиз

эшитишмайди. Шунинг учун Уни мусиқага солиш керак. Уларга Қуръонни эшиттирсак бўлдику!» дейдиган бўлсак, бу гап худди «одамлар алкаш, замзам сувининг ўзини берсангиз ичишмайди. Шунинг учун унга ароқ қўшиб бериш керак. Уларга замзамни ичирсак бўлдику!» деган гапга ўхшаб қолади.

Замзам мусаффо, Қуръон ҳам мусаффо. Ҳаром бу — ҳаромдир, нажосат ҳам нажосатдир! Одамларни софликка ўргатиш учун соф нарсани ифлослаш, нажосат билан булғаш телбалик, нодонлик бўлади.

Манбалар:

arabic.uz

<https://oliymahad.uz/8471>